

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

“Касбий таълими” факультети

“Педагогика ва психология” кафедраси

“Соҳага кириш” ўқув курсидан маърузалар матни

Тошкент 2011 йил

Ушбу маъруза матнлари мутахассислик фанларини ишлаб чиқаришига тадбиқ этилган ҳолда ўқувчиларга ўқитиш методларини ўргатишдан иборатдир. Ўқув жараёнида тарбиявий ишларни олиб бориш, касбий кўникмалар, мутахассисликга бўлган қизиқишларини шакллантириш ва қобилиятларини ривожлантириш касб-ҳунар коллежи ўқув дастурлари ҳамда хужжатларини тўғри юртиш каби муаммоларни ечишга ёрдам беради.

“Педагогика ва психология” кафедра мажлисида муҳокама қилинган ва мақулланган.

Кафедра мудири в.б. _____ доцент А. Бекназаров

№ _____ сонли баённома “_____” _____ 2011 йил

“Касбий таълим” факультети илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Декан _____ доцент Ш.Ч. Мисиров

№ _____ сонли баённома “_____” _____ 2011 йил

ТАЙИ илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

№ _____ сонли баённома “_____” _____ 2011 йил

Тузувчи:

А.Ш.Жумаев, Ғ.И. Ачилов

Такризчилар:

пед.ф.н. М. Баракаев

пед.ф.н. А.А. Шоюсупова

1-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА” ҚОНУНИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
2. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари.
3. Олий ўқув юртида педагогик жараёни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш борасида рақобатбардош кадрлар, айниқса, турли таълим хизматлари кўрсатувчилар (тарбиячилар, ўқитувчилар ва педагоглар) ни тайёрлаш бўйича қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги тўққизинчи сессиясида ушбу тоифадаги кадрлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов шундай деган эди:

“Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларни маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз”.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кадрлар тайёрлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграция асосида аҳолининг билим савиясини жадал кўтариш муаммосини ечишда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимига катта аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қоидаларига биноан кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини амалга ошириш бу тизимни мамлакатда амалга оширилаётган иштимой-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутди.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагогларига қуйиладиган талаблар:

а) Педагогга қуйиладиган талаблар ва унинг умумлаштирилган модели. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи замонавий педагогга қуйиладиган талаблар мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг ушбу мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади.

Умумлашган моделга мувофиқ асосий (фундаментал) талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари;
- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагогга қуйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия

жараёнини амалга ошириш шароитлар билан боғлиқ бўлган: қуйидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

- қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;
- педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлик;
- фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;
- янги педагогик ва компьютер технологияларни билиш;
- касбий ахборот манбаалари сифатида чет тилларини билиш;
- янги услубий ва билим манбааси сифатида илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш;
- ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари. Тарбиялай олиш маҳорати педагогнинг юксак маданият ва маънавий савиясига, шахсий ахлоқий, ватанпарварлик ва бурч (ҳислар)ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳда тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий; фазилатларига қуйидагилар киради: талабчанлик ва адолатлилик, ҳалоллик ва ҳайрихоҳлик, киришимлилик ва ҳазил-мutoиба ҳисси. Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш ва назорат қилиш маҳорати психологик-педагогик жиҳатдан педагогнинг таълим: бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ.

Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг-назоратда қўллай олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа олиш ва қўллай олиш бўлиши лозим.

Олий таълим-мустақил фикрловчи шахсни шакллантиришни таъминловчи, узлуксиз таълимнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ўзи танлаган билимлар соҳаси йўналиши (ихтисослиги) бўйича ижодий фаолиятига тайёр, республиканинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи мустақил таълим туридир. Олий таълимнинг касбий-таълим дастурларини ўзлаштириш ўрта махсус касб-хунар таълимидан кейин, улар негизида амалга оширилади. Олий таълим аудитория машғулотлари аудиториядан ташқари (ўзига тайёрланиш), мустақил билим олиш ва экстернет шаклларда ташкил қилинади.

Олий ўқув юртидаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Олий мактабдаги таълим ўрта (ўрта махсус) маълумот негизида амалга оширилади ва муайян мутахассислик (йўналиш) га йўналтирилган

бўлади.

2. Олий мактабдаги таълим дидактик жараён бўлиши билан бир вақтда илмий тадқиқот ишлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

3. Олий мактабдаги жараён ўзига хос шакл ва методларда олиб борилади.

Бу жараённи моделлаш умумий дидактик ва ўқитишнинг бу поғонаси дидактикаси муаммолари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилади. Олий таълим ўрта (ўрта махсус) негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичига эга.

Олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш бошқарувни такомиллаштириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Янги педагогик ва ахборот технологиялар, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланилган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштирилиши, халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мерос ва умумманбаалик йўналишини таъминлаш.

Ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимнинг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиришда, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш, ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар, аппаратлар билан жиҳозлаш.

Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал қилишда муҳандис-педагогларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан муттасил фойдалана билишлари, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ишлаб чиқариш таълими тажрибаларини тадбиқ, эта олишлари катта аҳамият касб этади. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал қилишда “Соҳага кириш” ўқув курси катта аҳамиятга эга.

Методик ишларнинг мақсади ишларининг сифатини яхшилаш, ўқитувчининг режаси ва дастурларига тўлиқ амал қилиб, дарс ўтишларига эришиш илғор тажрибаларни ўрганиш, улардан фойдаланиш, ўқитувчиларни фан, маданият соҳасидаги янгиликлар билан таништиришга қаратилгандир. Метод бирлашмаларида янги замонавий методлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади, очиқ дарслар ўтказилади, илғор ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибалари ўрганилади. Баъзи матнларни ўтиш режалари ва ўқитувчиларнинг режалари, конспектлари муҳокама қилинади; Методик ишларнинг режасида қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Ўқув дастури асосида ўтиладиган дарсларнинг мавзутикасини, режаси, маъруза-матнларни тузиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.

2. Кўрсатмалар материалларни тайёрлаш.

3. Ўтказилган очиқ дарслар мавзутикасини ва қўзғатилган дарсларни муҳокама қилиш.

4. Фандаги янгиликлар маънавий ва мафкура, таълим-тарбия соҳасида

илғор илмий тажрибалар тўғрисида маърузалар қилиш.

5 Семинар, лаборатория ишлари, амалий машғулотларни ўтказишни муҳокама қилиш.

6. Семестр давомида ўтказиладиган жорий назорат, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш ўтказиш, курс иши, курс лойиҳалаш, диплом ишлари каби ишлар методик иш режасига киргизилади.

Энди ўқитиш методикасини кўриб чиқамиз.

Методика-метод ва усулларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, қандайдир ҳаракатни амалда бажарилишидир. Ўқитиш методикасида у ёки бу фанни ўрганиш ҳақида тушунилади. Адабиётларда шундай сўз талқини учрайди “Ўқитиш методикаси”, “Ўрганиш методикаси”. Лекин бу икки тушунча ҳам амалда тенг ҳуқуқлидир. Чунки ўқитиш-бу ўргатилганни фаолиятини, ўргатиш эса-уларни биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитиш методикасининг методологик асослари билим назарияси бўлиб, умумий қонуниятларни, инсон атрофида содир бўлаётган, уни ўраб турган дунё шакли ва методларни ўрганади.

Ўқитиш методикаси ўқув фани сифатида бўлғуси муҳандис-педагогга қуйидагини тушунтириш керак:

Қандай ва нимага ўқитиш, қандай кетма-кетликда ва нимага энди шундай ўқитилади, бошқача эмас”? У нафақат методларнинг билим таълим мазмунини, ўқитилаётган фанлар мажмуасини ўз ичига олади. Ўқитиш методикаси фани махсус ва ишлаб чиқариш таълими фанлари касб-ҳунар мактаблари ва коллежларда ўқитиладиган предметларни бир бутун гуруҳлар сифатида бирлаштиради.

“Соҳага кириш” ўқув курсида талабаларга мутахассислик фанларини ишлаб чиқаришига тадбиқ этилган ҳолда ўқувчиларга ўқитиш методларини ўргатишдан иборат. Ўқув жараёнида тарбиявий ишларни олиб бориш, мутахассисликка бўлган қизиқишларини шакллантириш ва қобилиятларини ривожлантириш касб-ҳунар коллежи ўқув дастурлари ҳамда ҳужжатларни тўғри юритиш каби муаммоларни ечишга ёрдам беради.

“Соҳага кириш” ўқув курси асосан “Педагогика”, “Психология”, “Физиология”, “Янги педагогик технология” ва мутахассислик фанлари билан боғлиқ ҳолда ўқитилади.

2-МАВЗУ. ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Давлат таъли стандартлари.
2. Ўқув режалари.
3. Ўқув дастурлари.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади.

а) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари;

б) давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги; ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари;

в) ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Жамият тарихий тараққиётининг ҳамма босқичларида мактабларда ёшларга бериладиган таълимнинг мазмуни, ҳажми ўша ижтимоий тизимнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган.

Таълим мазмунини белгилаб берувчи асосий меъёрий хужжатларга: ДТС, ўқув режаси, ўқув дастури киради. Ўқув-меъёрий хужжатларни тузиш, белгилаш ўқув-тарбия жараёнининг педагогик ва услубий назария билан боғлайдиган элементи ҳисобланади. Таълим мазмунини танлаш ҳозирги босқичма-босқич ўқишни ташкил қилиш шароитида алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ерда ўқув дастурий хужжатлар ҳар қайси алоҳида олинган йўналишга (бакалавр, магистр, лицей, гимназия, коллеж) алоҳида-алоҳида тузилади.

***Давлат таълим стандарти** - узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис) нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.*

Таълимнинг давлат таълим стандарти таълим олувчилар умумтаълим ва касбий тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти қуйидаги принципларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади:

- давлат таълим стандартининг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;

- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;

- ўрта махсус, касб-хунар таълимининг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги;
- таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари танлашда инновация технологияларга таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунларида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли бўйсунушидан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Таълим мазмуни куйидаги ҳужжатлар акс эттиради.

Ўқув режаси. Ўқув режаси ўқув жараёни графиги, ўқув предметларининг ҳажми ва рўйхати, уларнинг ўқув даври бўйича тақсимооти, мазмуни ва ўтиш тартиби берилган давлат ҳужжати.

Ўқув дастури. ҳар бир ўқув фанини ўқитиш учун ажратилган билимлар ҳажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжати. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади.

Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Ўқув дастури куйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тузилади.

1. Дастурнинг қатъийлиги. Ўқув дастурлари жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий

муносабатлар соҳасида эришилган даражани акс эттириши лозим. Бу, улар ҳар йили кўриб чиқилиши керак, деган гап эмас, аксинча, ҳамма ўқув фанларига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида қатъий бўлишига эришмоқ даркор. Дастурнинг қатъийлиги қатъий дарсликлар ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эгаки, бу дарсликлар узоқ яшаши ва ўқув жараёнида узоқ фойдаланиши керак.

2. Ўқув дастурида илмийлик қоидаси.

Дастурга борлиқни аниқ, ҳаққоний акс эттирган, илмий жиҳатдан текширилган ишончли материаллар киритилади.

Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши ва уни ишлаб чиқаришда тадбиқ этилишига доир маълумотлар мактаб ўқув фанларига ҳам ўзгаришлар киритишга олиб келганидек, ўқув дастуридаги айрим эскирган масалалар ўқув фанларидан чиқариб ташланади.

3. Ўқув материаллари мазмунини тўғри танлаш, фан материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантиқий умумлашма ва хулосаларнинг тўғри уйғунлашувига алоҳида эътибор берилади. Аниқ мисоллар бўлмаса ўрганилаётган ҳодисаларни назарий жиҳатдан тушуниш мумкин эмас.

4. Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси. Ўқув дастурида назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси, биринчи навбатда, энг аввало, илмий билимларнинг турмушда, ишлаб чиқариш амалиётида тутган ўрни кўрсатиб берилади. Илмий билим кўникма ва малакаларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиши ҳамда таълим жараёнидаги назарий маълумотларнинг амалда қўлланиб бориш жараёнида ўз аксини топади.

5. Ўқув дастурларида тарихийлик қоидаси. Ўқув дастурлари тарихийлик қоидасига асосланган ҳолда тузилади. Бунда ўқув фанларининг характери назарда тутилади. Масалан, тарих фанини ўқитишда тарихий воқеалар изчиллик ва хронологик тарзда баён этилса, мавзутика, информатика, физика ва бошқа қатор фанларни ўқитишда фан оламидаги маълум бир илмий ҳодиса, қоида ва қонунларнинг пайдо бўлиши, унинг келажак истиқболига оид маълумотлар бериб ўтилади.

6. Дастур икки усул билан: кетма-кет (мунтазам) ва концентрик (марказлашган) тарзда жойлаштирилиши мумкин. Кетма-кет жойлаштирилганда ўқув материалнинг ҳар бир кейинги қисмининг давоми бўлади, ҳар бир қисмдаги материалнинг мазмуни унинг мазкур синф ўқувчиларига тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда тўла ёритилади.

3- МАВЗУ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

РЕЖА:

1. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқитишнинг ташкилий шакллари.
2. Дарс ва дарс жараёни.
3. Ўқув машғулотларининг таркибий қисмлари.
4. Маъруза, семинар машғулотлар, лаборатория (тажриба) машғулотлари, талабалар мустақил ишилари.

Олий мактабда ўқитиш шакллари. Олий мактабдаги ўқитиш жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга оширилади.

Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари йўғиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Олий мактабдаги ўқитишнинг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг фаолияти;

- талабалар ўқув ва билиш фаолияти.

Олий даги ўқув жараёни шаклларига Маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экскурсия, экспедиция, ўқув ишлаб чиқариш педагогик амалиёти, курс ва диплом ишлари, талабаларнинг мустақил таҳсили.

Дарс жадвали ўқув режасига биноан ҳар бир ўқув йили (семестр) учун фанларга ажратилган соатлар ҳисобини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Дарс аниқ мақсадни кўзлаб, белгиланган вақтда бир ҳил ешдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотдир. Дарс ўз олдига қўйилган аниқ мақсад ва тугал мазмундан иборат.

Дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади. Дарс - ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қўуидагиларга амал қилиниши лозим:

1. Ҳар бир синфда ўқувчиларининг ёши ва билим даражаси бир ҳил бўлиши лозим.

2. Дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган муддатда олиб борилши керак.

3. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ёки алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

4. Дарс ўқув фаннинг характери, ўқитилаётган материалнинг мазмунига қараб, турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ҳамда таълим тизимининг бир қисми сифатида тағалланган билим беради, навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратади.

Маъруза - у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш.

С.И. Архангельскийнинг таъкидлашича, маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирув функциясида талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади. Маърузанинг ахборот бериш функцияси ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар, ҳулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади. Ўқитишнинг методологик функциясини қўллаш тадқиқот методларини қийслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқитишнинг тарбиялов функцияси Маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузада ҳал қилинадиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;
- талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади;
- ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.

Маъруза дидактик мақсади, ўқитиш жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий-якуний маърузалар фаркланади.

Кириш (муқаддима) маърузада курс (бўлим, мавзу)нинг илм-фан тизимидаги ўрни, ушбу материални амалиётда қўллаш имконияглари, курс (бўлим, мавзу) мазмунини ўрганиш методлари очиқ берилади. Бундай маърузанинг муҳим хусусияти шундаки, унда ўқитувчи асосий масаланинг у ёки бу томонларигагина тўхталади, бу масалалар кейинчалик албатта деталма-деталь ёритиб берилади.

Тематик маърузалар айниқса кенг тарқалган. Бундай маъруза у ёки бу мавзуга бағишланган бўлиб, унда фактлар, уларнинг таҳлиллари, ҳулосалар мазмуни баён қилинади ва конкрет илмий қоидалар исботланади.

Умумий-якуний маъруза аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади. Унинг мазмуни аввал баён қилинган мазмунга ўхшамайди, балки талабалар томонидан ўзлаштирилган ахборотларни юксак абстракциялаш босқичида тизимга туширилади. Бундай маърузалар талабалар билимининг чуқурлашишида ва ўқув фани методологиясини яхши тасаввур қилишда алоҳида аҳамиятга молик бўлади.

Ахборотларнинг баён қилинишга кўра маърузалар догматик, ахборот ва намоёниш қилиш ва муаммоли маърузалардан иборат бўлади, лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир маърузанинг ўзига хос хусусиятларини қайд қилган ҳолда, улардаги умумий жиҳатларни ҳам фарқлаш лозим, чунки маъруза ўқиш

ва уни лойиҳалаш жараёнида уларни амалга оширмасдан бўлмайди, улар қуйидагилар:

- илмийлик;
- қулайлик;
- касбий йўналтирилганлик;
- оқибатли алоқани амалга ошириш.

Олий мактаб ўқитиш тизимига маъруза билан биргаликда семинар ва лаборатория) машғулоти тури ҳам қирадики, улар: таълимий, тарбиялов ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

“Амалий машғулоти” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулоти” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий: машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синашга ҳам хизмат қилади.

Амалий машғулоти шаклларида бири семинардир. Семинар машғулотлари қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинаролди машғулоти, семинар ва махсус семинар.

Семинаролди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинаролди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинаролди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қилади, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинаролди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзунинг ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўзлайди.

Семинар машғулотлари давомида ўқитувчи ва талаба ўртасида зич алоқа, яъни улар ўртасида икки томонлама алоқа ўрнатилади. Бу эса тарбиявий аҳамиятга молик бўлади: ўқитувчи талабалар билан узоқ вақт яқин алоқада бўлади, маъруза гуруҳларига нисбатан талабаларнинг кичик гуруҳларида жонли суҳбат олиб боради, ўзаро фикр алмашади, турлича қарашларини ифода этади.

Семинар жараёнида ўқитувчининг ўрни жуда юксак, яъни ўқитувчи талабанинг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки муҳокамаларни ташкил этади, унга дерижерлик қилади.

Семинарда ўқитувчининг кириш сўзи конкрет шароитга қараб талабани муаммога жалб қилади, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар доирасидаги саволлар бўйича аниқликлар киритади, баъзан эса олдинги машғулотлардаги фикрлар эсга туширилади. Шу тариқа семинардаги кириш сўз аниқ, кенг қамровли ва қисқа бўлиши лозим.

Талабаларнинг маърузалари бўйича изоҳлар қуйидагича бўлиши керак:

- мустақил фикрлашга йўналтириб туриш;
- тавсия этилаётган масаланинг моҳияти ва шаклини аниқлаш;
- талабалар баҳсидаги нуқтаи назарларни дарров фарқлаб олиш;
- масаланинг ностандарт ҳал қилинишини рағбатлантириш.

Бундай изоҳларда ўқитувчи муҳокама жараёнида бефарқ турмаётганлигини, ҳар бир семинар иштирокчисининг билдирган нуқтаи назарига эътибор бераётганлигини намоён қилиб туриши лозим.

Ўқитувчи ҳар бир семинар машғулотига якун ясайди, унда қуйидагилар эътиборга олинади:

- замонавий фан эришган муаммо муҳокамасининг ҳолати умумий даражасига тавсиф бериш;
- айрим талабаларнинг чиқишларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- машғулотга умумий баҳо бериш (талабанинг фаоллиги, унинг тайёргарлик ва ўсиш даражаси, маданияти ва фикрлашдаги хусусиятлари).
- Таъкидлаш жоизки, семинар машғулотларида талабаларни фаоллаштириш, улар томонидан рефератлар ёзиш, уларни муҳокама қилиш ва тақриздан ўтказишга олиб келади.

Лаборатория машғулотлари.

Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар.

Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имконият-

ларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;

- лаборатория машғулоти нафақат конкрет мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типига амалга ошади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи типи - бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи типи. Бунда ўзлаштирилган ахборотларни хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.

Бу мақсадга идрок қилинадиган масалаларни ечиш чоғида талабалардан ё танлаб олинган фактларни тавсифлаш асосида объектлар ва ҳодисаларни аниқ баён қилиш ёки ўрганилаётган объект ва ўзгаришларнинг сабабини асослаш ва уни ифодалаш орқали етиш мумкин. Унисини ҳам, бунисини ҳам талабалар аввал эгаллаган ва шаклланган билимлар тизимини тўғри жалб қила олиши ва фаоллаштира олиши асосида бажариши лозим. Талабаларнинг билиш (идрок қилиш) фаолияти аввал ўзлаштирилган ўқув ахборотининг мазмуни ва тузилмасини қайта ишлаш, қисман қайта лойиҳалаш ва янгилашдан иборат бўлади. Бундай қайта лойиҳалаш ва янгилаш тавсиф қилинаётган объектни таҳлил қилиш, вазифани турли йўللار билан бажариш, улардан энг тўғри ёки мантиқий изчиллигини топиш каби ечиш усуллари танлаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Мустақил ишларнинг иккинчи типи барча турларининг умумий тавсифномаси шундаки, бундай ишларда вазифаларнинг ҳал қилиниш ғояси (тамойили) эълон қилинади ва талабалардан ушбу ғояни (тамойилни) ривожлантириб, конкрет шароитга татбиқ этиш усул ва усуллари талаб қилинади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг учинчи типи талабаларда учинчи босқич-типик бўлмаган вазифаларни ечиш (бажариш) чоғида шаклланадиган билимлардан иборатдир.

Бу мақсадга талабалардан ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар

сабабларининг алгоритм асосларини тузишни талаб қиладиган билиш (идрок қилиш) масалаларини ечиш жараёнида эришиш мумкин.

Мустақил ишларнинг учинчи типини бажаришдаги билиш фаолияти умуман олганда билим, малака ва кўникмаларни кўчиришни амалга ошириш йўли билан аввал ўзлаштирилган ва қолипга тушган (муайян алгоритм ҳаракатлари тажрибаси) тажриба асосида янги фаолият тажрибасини тўплаш ва намоён қилишдан иборат бўлади. Бу типдаги ишлар вазифасининг моҳияти изланиш, ечимлар ғоясини ифода қилиш, амалга оширишдан иборатдир. Бу қолипга тушган тажрибалар доирасидан доимо четга чиқади ва фикрлашнинг жонли жараёнида талабалардан топшириқларни аввал ўзлаштирилган ўқув ахборотлари, уларга янги нуқтаи назардан ёндашиш (муайян топшириқлар талаблари нуқтаи назардан) асосида турланади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг тўртинчи типи ижодий фаолиятга омиллар яратишдир.

Бундай ишларни бажаришдаги талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар муҳокама қилинаётган объект моҳиятига тобора чуқур кириб боради, зарур бўлган янги, олдиндан номаълум бўлган ғояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар ва муносабатларни ўрнатади. Бунда талаба вазифаларни бажаришнинг ҳар бир босқичида ўзи яратиши лозим бўлган, унинг учун янги бўлган ҳаракатлар моҳияти, у ёки бу ахборот характери устида бош қотиришга мажбур бўлади.

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив-вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий);
- ижодий тадқиқот.

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутаяди.

Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифода қилиш, гипотезани белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Ижодий тадқиқот ишлари.

Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари кидиради, тадқиқ қиладир. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар

ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш ва олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Мустақил ишларни самарали ташкил этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;
- мустақил равишда билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;
- мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;
- мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.

Олий мактабдаги ўқув жараёни мустақил таҳсилни ташкил этилишини ҳам кўзда тутди. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир.

Мустақил таҳсилнинг вазифалари: шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.

Олий мактабдаги ўқув жараёни мустақил таҳсилга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши ва талабаларнинг ўз-ўзини баҳолай олишини, уларнинг тайёргарлигини, янги билимларни эгаллашга бўлган онгли муносабатини аниқлаб бериши керак. Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма-кетинлиги;
- уларнинг бажарилиш муддатлари;
- мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериш.

Мустақил таҳсил жараёни унинг конкрет шакли, методлари ва усулларини қамраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради. Қўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил машқ қилиш методларидан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятида зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Шунингдек, мустақил таҳсилга амалий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни бажариш ва аудиовизуал ускуналар билан ишлаш ҳам киради.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг мулоқотидир. Мустақил таҳсилнинг провард мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўзи

устида ишлаш, ҳар томонлама тадқиқот юритишнинг моҳиятини англашга торттишдир.

4-МАВЗУ. ТАЛАБАЛАР (ЎҚУВЧИЛАР) МУСТАҚИЛ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

РЕЖА:

1. Талабалар мустақил ишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Мустақил ишлар турлари.
3. Талабалар мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишнинг асосий шартлари.
4. Мустақил таҳсил олишнинг асосий методлари.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда **талабаларнинг мустақил ишлари** муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типига амалга ошади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи тури- бу сиртдан қараганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи типи. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.

Бу мақсадга идрок қилинадиган масалаларни ечиш чоғида талабалардан ё танлаб олинган фактларни тавсифлаш асосида объектлар ва ҳодисаларни аниқ баён қилиш ёки ўрганилаётган объект ва ҳодисалардаги ўзгаришларнинг сабабини асослаш ҳамда уни ифодалаш орқали етиш мумкин. Унисини ҳам, бунисини ҳам талабалар аввал эгаллаган, шаклланган билимлар тизимини тўғри жалб қила олиши ва фаоллаштира олиши асосида бажариши лозим. Талабаларнинг билиш (идрок қилиш) фаолияти аввал ўзлаштирилган ўқув ахборотининг мазмуни, тузилмасини қайта ишлаш, қисман қайта лойиҳалаш ва янгилашдан иборат бўлади. Бундай қайта лойиҳалаш ва янгилаш тавсиф қилинаётган объектни таҳлил қилиш, вазифани турли йўллار билан бажариш, улардан энг тўғри ёки мантиқий изчиллигини топиш каби ечиш усулларини танлаш зарурлигини келтириб чиқаради.

Мустақил ишларнинг иккинчи типи барча турларининг умумий тавсифномаси шундаки, бундай ишларда вазифаларнинг ҳал қилиниш ғояси (тамойили) эълон қилинади, талабалардан ушбу ғояни (тамойилни) ривожлантириб, конкрет шароитга татбиқ этиш усул ва усуллари талаб

қилинади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг учинчи тип талабаларда учинчи босқич-типик бўлмаган вазифаларни бажариш чоғида шаклланадиган билимлардан иборатдир.

Бу мақсадга талабалардан ўрганилаётган объектдаги ўзгаришлар сабабларининг алгоритм асосларини тузишни талаб қиладиган билиш (идрок қилиш) масалаларини ечиш жараёнида эришиш мумкин.

Мустақил ишларнинг учинчи типини бажаришдаги билиш фаолияти умуман олганда билим, малака, кўникмаларни кўчиришни амалга ошириш йўли билан аввал ўзлаштирилган ва қолипга тушган (муайян алгоритм ҳаракатлари тажрибаси) тажриба асосида янги фаолият тажрибасини тўплаш ва намоён қилишдан иборат бўлади. Бу типдаги ишлар вазифасининг моҳияти изланиш, ечимлар ғоясини ифода қилиш, амалга оширишдан иборатдир. Бу қолипга тушган тажрибалар доирасидан доимо четга чиқади ва фикрлашнинг жонли жараёнида талабалардан топшириқларни аввал ўзлаштирилган ўқув ахборотлари, уларга янги нуқтаи назардан ёндашиш (муайян топшириқлар талаблари нуқтаи назаридан) асосида турланади.

Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг тўртинчи тип ижодий фаолиятга омиллар яратишдир.

Бундай ишларни бажаришдаги талабаларнинг билиш фаоллиги шундан иборатки, бунда талабалар муҳокама қилинаётган объект моҳиятига тобора чуқур кириб боради, зарур бўлган янги, олдиндан номаълум бўлган ғояларни топиш ва янги ахборотларни юзага келтириш тамойилларини ҳал қилиш учун зарур бўлган янги алоқалар муносабатларни ўрнатади. Бунда талаба вазифаларни бажаришнинг ҳар бир босқичида ўзи яратиши лозим бўлган, унинг учун янги бўлган ҳаракатлар моҳияти, у ёки бу ахборот характери устида бош қотиришга мажбур бўлади.

Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- *намуналар бўйича мустақил ишлар;*
- *реконструктив-вариатив;*
- *эвристик (қисман, ижодий);*
- *Тадқиқий мустақил ишлар*
- *ижодий тадқиқот.*

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди;

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутаяди.

Эвристик мустақил ишлар маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифода қилиш, фарзани белгилаб олиш,

муаммонининг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

Ижодий тадқиқот ишлар бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод масаланинг ҳал қилиниш йўллари қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Мустақил ишларни самарали ташкил этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- *мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;*
- *мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;*
- *мустақил ишлар еазифаларини индивидуаллаштириш;*
- *мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.*

Олий мактабдаги ўқув жараёни **мустақил таҳсилни** ташкил этилишини ҳам кўзда тутати. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир.

Мустақил таҳсилнинг вазифалари: *шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг гоявий-назарий савиясини ошириш, касбий маҳорати ва маданиятини такомиллаштириш.*

Олий мактабдаги ўқув жараёни мустақил таҳсилга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши ва талабаларнинг ўз-ўзини баҳолай олишини, уларнинг тайёргарлигини, янги билимларни эгаллашга бўлган онгли муносабатини аниқлаб бериши керак. Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- *режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма-кетинлиги;*
- *уларнинг бажарилиш муддатлари;*
- *мустақил фаолиятнинг ҳар бир турига мақсадли кўрсатмалар бериш.*

Мустақил таҳсил жараёни унинг аниқ шакли, воситалари ва усулларини қамраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи **адабиётлар устида индивидуал ишлашдир**. Бу метод ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради. Қўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил

машқ қилиш методларидан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятида зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Шунингдек, мустақил таҳсилга амалий аҳамиятга молик бўлган вазифаларни бажариш ва аудиовизуал ускуналар билан ишлаш ҳам киради.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг **мулоқотидир**. Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўзи устида ишлаш, ҳар томонлама тадқиқот юритишнинг моҳиятини англашга тортишдир.

5-МАВЗУ. КАСБ ТАЪЛИМ МУТАХАССИСЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

РЕЖА:

1. “Касб таълими” мутахассислиги ҳақида умумий тушунча.
2. “Касб таълими” мутахассислигининг истиқболлари.
3. Хорижий давлатларда касбий таълим тизимининг ривожланиши.

Касб таълимининг асосий тушунчалари

ТАЪЛИМ-билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади.

Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат турли ўқув юртларида ўқитиш жараёни эмас, балки оила, ишлаб чиқариш ва шу каби соҳаларда ҳам маълумот ўзлаштириш жараёнидир.

Таълим жараёни ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

а) маълум бир тажриба ва амалий фаолият турини муваффақият билан ташкил қилиш учун оламнинг зарур хусусиятлари ҳақидаги ахборотларни ўзлаштириш (бу жараённинг маҳсулоти билимлардир);

б) мана шу фаолият турларини юзага келтирадиган усул ва воситаларни ўзлаштириш (бу жараёнларнинг маҳсулоти малакалардан иборат бўлади);

в) кўзланган мақсад ва берилган масала шартига мос равишда тўғри йўл ва усул танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотлардан фойдаланиш усуллари эгаллаш (бу жараённинг маҳсули -малакадан иборат бўлади).

Инсоннинг маълум билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришида онгли мақсад билан бошқариладиган барча хатти-ҳаракатлари таълим билан боғлиқ бўлади.

Таълимнинг моҳияти, мақсади ва мазмуни жамиятнинг маданий тараққиёти, фан-техникасининг ривожланганлиги, ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этиш даражаси кабилар билан белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга эга бўлган талаб ва эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, таълим ҳақидаги ғояларига қараб кишилик жамиятининг турли давр (босқич) ларида таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб боради.

Таълим, моҳиятига кўра, бу жараёнда иштирок этувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятнинг натижасидир. Таълим жараёнида шахснинг дунёқараши, қобилияти, фазилат (хислат) лари ўзгаради. Таълим жараёнида кишилик жамиятининг ижтимоий-тарихий тажрибалари таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилади ва шу билан у авлодлар орасидаги маънавий-маданий, ижтимоий ворисликни таъминлайди.

Таълимнинг методологик асосини диалектик билиш назарияси ташкил этади.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА - умумий педагогиканинг бир соҳаси бўлиб, у тарбия, таълим, ўқитиш ҳақида қатор назарий ва амалий маълумотлар беради.

Касбий педагогика саноат, ишлаб чиқариш ва меҳнат педагогикасининг масалалари билан шуғулланади. Касб-хунар таълими педагогикаси бир неча бўлимларига бўлиниб, бу бўлимларда касбий педагогиканинг асослари ва муҳим масалаларини, яъни касб-хунар таълими йўналишлари, меҳнат педагогикаси, касб-хунар дидактикаси каби масалаларни қамраб олади. Шунингдек, касб-хунар тарбиясининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари, касб-хунар таълим ва назарияси, ҳуқуқий асослари ўрганилади.

КАСБ ТАЪЛИМИ ТЕХНОЛОГИЯСИ-ўқитиш ва ўқиш жараёнини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолаш усули бўлиб, мақсадга эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот тўғрисидаги тадқиқотлар натижасига ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли ва жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади.

ДИДАКТИКА-грекча “дидаскийен” сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Дидактика бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

МЕТОДИКА-педагогиканинг ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб, баҳолаш метод ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани, ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкил этиш шакллари методика асосига қурилган.

ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ-бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув-дидактик қулайликлардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий ва амалий машғулотлар пайтида қўланиладиган усуллар мажмуасидир.

Касбий таълим методикаси ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

МЕТОД-ибораси (юнонча-метҳодас-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод - педагогик жараён элементи сифатида мазмун-мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда-тарбия, таълим ривожланиш амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси-қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи-унинг касбий фаолият воситаларга мослигидадир.

МЕТОДОЛОГИЯ-“метод” ва “логия” ибораларнинг бирлигида билиш фаолияти усули, тузилиши, воситалари ва мантиқий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компоненти.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзига қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида, иккинчидан, амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзагага чиқади.

Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

ТАЪЛИМИЙ КЕНГЛИК-таълим жараёнлари амалга ошириладиган, яъни ташқи атроф-муҳит билан ўзаро ҳаракат англанадиган ва амалга ошириладиган кенглик.

Педагогик жараёнда таълимий кенгликнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифи асосан педагогга, унинг ички маданияти, дунёқараши, қарашларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, педагогнинг касбий тайёргарлиги нафақат аниқ мазмунни эгаллашга, балки экологик маданият, маънавият, умумий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тақдирда мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташқи ва ички таълимий кенглик, касбий фаолиятнинг аҳамияти бугунги кун таълимининг энг долзарб муаммоларидандир.

БИЛИМ-бир бутунликни ташкил қилувчи қисмларнинг ички заруриятидан келиб чиққан боғлиқликдир. У қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади ва инсоннинг ихтиёридан ташқари мавжуд бўлади. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР-кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. **Малакалар** онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган хатти-ҳаракатлардир.

МАЛАКА-киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилишдир.

МАҲОРАТ-ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий иш-ҳаракатларни (шу жумладан, дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

БАҲОЛАШ-таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

КАСБ-муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолияти тури. Касб-хунар сирларини эгаллашга умумий ҳамда махсус маълумот, амалий иш-ҳаракат усуллари ўзлаштириш орқали эришилади.

Касб ўзига меҳнат фаолиятининг тор доираси билан характерланувчи ихтисосликларни мужассамлаштиради. Баъзи касбларда бир қанча ихтисосликлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, ўқитувчилик касби ўқитиладиган ўқув предметларга биноан умумтаълим, умумтехник, махсус фанлар ўқитувчиси бўлишини кўрсатиши кифоя. Касб ва ихтисос шахснинг мунтазам равишда, маълум турдаги иш билан шуғулланишини ифодалайди. Республикамиз фуқароларига касб ва ихтисос танлашларига кенг имкониятлар яратилган.

Касб таълимининг методологик асослари.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асослари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунидир.

Қомусий қонун, Ўзбекистон Республикасининг конституцияси XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8-декабрда қабул қилинган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун 8-декабрь умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган. 1978 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8-декабрдан бошлаб ўз кучини йўқотган. Амалдаги қонунда Ўзбекистон халқи:

- инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб;

- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда;

- ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига суяниб;

- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб;

- халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устуңлигини тан олган ҳолда;

- Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб;

- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб;

- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида;

- ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилган.

Республикаимизнинг асосий қомуси VI бўлим 26-боб ва 128-моддадан иборат. Конституциянинг моҳияти ва мазмуни бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш даврида чуқур ўрганилганлиги боис, унинг бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ 41 ва 42- моддаларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-моддаси. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1-чақириқ IX сессияси-1997 йил 29 августда “Талим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатларига асосан республикаимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг қонуний асослари белгилаб олинди.

Қонун қуйидаги бўлим ва бандлардан ташкил топган:

I. Умумий қоидалар: Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари

1.1 Ривожланишнинг эришилган даражаси.

1.2 Камчиликлар ва муаммолар

1.3 Ислоҳ қилиш омиллари

II. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маҳсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари

2.1 Дастурнинг мақсад ва вазифалари

2.2 Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

III. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели

3.1 Шахс

3.2 Давлат ва жамият

3.3 Узлуксиз таълим

3.4 Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

3.5 Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари

3.6 Узлуксиз таълим тизими ва турлари: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим

3.7 Кадрлар тайёрлаш тизимидаги фан

3.8 Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

IV. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

4.1 Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

4.2 Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

4.3 Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш

4.4 Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

4.5 Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

4.6 Таълим тизимини бошқариш

4.7 Касб-хунар таълим сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

4.8 Таълим тизимини молиялаш

4.9 Моддий-техника таъминоти

4.10 Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш (мониторинг)

4.11 Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

4.12 Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

4.13 Фан ва таълим жараёнлари алоқаларини ривожлантириш

4.14 Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

4.15 Таълим билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

V. Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар

Узлуксиз таълим тизими қуйидагиларни қамраб олади:

- мактабгача таълим;

- умумий ўрта таълим;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими;

- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

Таълимнинг узлуксизлиги шундай маъно берадики, инсон туғилгандан бошлаб то умрининг охиригача таълим олиш имкониятига эга бўлсин.

Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида қонуни”да ўз аксини топган.

Касб-ҳунар таълими-талабаларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Олий таълим-узлуксиз таълим тизимининг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. У олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Олий таълим қуйидаги икки босқичдан иборат: **бакалаврият ва магистратура**.

Бакалаврият-ўрта махсус касб-ҳунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

Магистратура-бакалаврият негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

Бакалавр.магистр-олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган **академик даражалардир**.

Юқорида келтирилган қисқа жумлалар мазмуни, улар умуман республикамиз таълим тизими, шунингдек, касб-ҳунар таълимининг ҳам методологик асос эканлигига ишорасидир. Касб-ҳунар таълимининг методологик асосларсиз уни мақсади, вазибалари, мазмунини ташкил этиш шакллари, метод ва воситалари, иштирокчилари, натижалари ҳамда бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш мумкин эмас. Касб-ҳунар таълимининг методологик асосларини унинг меъёрий ҳужжатлари аниқлашга имкон беради.

6-МАВЗУ. КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

РЕЖА:

1. Касбий педагогик фаолият ҳақида тушунча.
2. Касбий педагогик фаолият мазмуни ва таркибий қисмлари.

Тарбия - касбий фаолиятни ташкил этиш воситаси.

“Тарбия санъати - деярли ҳаммага таниш ва тушунарли, баъзиларга эса, ҳатто осон туюлиш хусусиятига эга, у қанчалар тушунарли ва осон туюлса, ўша инсон у билан назарий ва амалий жиҳатдан шунчалар кам таниш”, - деган эди **К.Д. Ушинский**. Тарбия, асосан, қуйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади: кўрсатиш ва тушунтириш; рағбатлантириш ва жазолаш; вазифа бериш ва талаб қилиш; текшириш, тузатиш, ишонтириш ва таҳлил қилиш. Ана шундай таъсир кўрсатиш йўли билан катталар болаларнинг билиш ва амалий фаолиятларини юзагага келтириб, маълум томонга йўналтирадилар ва бу фаолиятлар назорат қилиниб, тўғрилаб, фаолиятларни ривожлантириш амалга оширилади.

Педагогикада тарбия бериш усули икки турга бўлиниши қайд этилган. Биринчи усул, (илҳомлантирувчи) санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул. Иккинчи усул (мажбур этиш), эса мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Тарбия берувчи ёки шогирдларга ўқитувчиларнинг қўллайдиган усули бунга мисолдир. Масалан, ҳукумат ёки давлат, мазкур мамлакатда яшовчи шахсларнинг муаллими, тарбиячиси бўлади. Болаларни тарбияловчи одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли усуллардан фойдаланади. Мана шундан маълум бўладики, ҳукумат (давлат) ва муаллим ҳар иккови ўз йўлида болалар ёки меҳнаткашларга тарбия берувчи устоз ва муаллимлардир. Улардан бири болаларга меҳрибонлик ва яхши сўзлар билан; тарбия берса, иккинчиси мажбурий равишда тарбиялайди. Буюк алламамиз Фаробий тарбиянинг усули деганда ахлоқий фазилатларни тушунади. Унинг тасаввурида ахлоқий фазилатлар билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик манфаатини юқори қўйиш, ҳақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатлардир. Аммо, бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир. Шунинг учун ҳам, Фаробий ахлоқ тушунчасига ақл билан узвий боғлиқ ҳолда тафаккурга асосланган ахлоқ сифатида қарайди. Бундан биз Фаробийнинг ахлоқни хулқ меъёрлари ифодаси сифатидагина эмас, балки кишиларнинг ақлий фаолиятнинг натижаси сифатида ҳам талқин этилганлигини кўрамиз. Фаробийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У “... инсонда гўзал фазилатлар икки йўл, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим назарий фазилатларни бирлаштира, тарбия эса туғма фазилат, назарий билимлар ва омилий касб-ҳунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради. Таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш ва тажриба билан амалга оширилади” деб

кўрсатади.

“Ҳар иккаласи бирлашса етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб, пайдо бўлади”, -деб уқтиради аллома.

Форобий, талимда барча фан оламининг назарий асослари ўрганилса тарбияда маънавий, ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-хунарга оид малакалар ҳосил қилинади деб тушунтиради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тарбиявий қарашлар марказида Ориф инсонни шакллантириш ғояси ётади.

Ориф инсон, аввало, ақлли, илмли ва маърифатли бўлиши лозим. Унинг таълимотига кўра, инсон камолоти илми шариат, илми маърифат ва илми ҳақиқатни ўз ичига олган тасаввурдан иборат бўлиши лозим. Бу йўл орқали инсонлар мавжуд дунё сир-синаотларини ўрганишлари ва билишлари имкониятига эга бўладилар.

Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд бу таълимотни ўрганувчиларга пир-у устоз бўлиб таълим берганлар. Пир-у устоз Нақшбанд мундлар (шогирдлар) нинг дунёқарашини кенгайтириб, Валий авлиё даражасигача ақлини ривожлантирганлар, уларга таълим бериш услубиятини ишлаб чиққанлар. (Бу тоифа уч қисмга бўлинади: муаллиф, ориф ва мукаммал). Бу педагогика буюк соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилишида, қолибона ҳарбий юришларида, мамлакатда асосий тартиб-интизом ўрнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасида бузилмас дўстлик меҳр-шафқат, одамийлик ва ахлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга катта ёрдам берган.


Устознинг ахлоқ ва одоб ҳақидаги таълимотига қуйидагилар киради:

- адолат ва адолатсизлик;
- сўз ва ишнинг бирлиги;
- дўст ва душманлик;
- ботирлик ва қўрқоқлик;
- сўз ва ширинсуханлик.

Таълим-тарбия ишлари ҳам Нақшбанд ғояларини ифода этувчи мафкура сифатида амалга оширилади. Фарзандларга ислом динига эътиқод қилишни ўргатиш билан бирга аллома меҳнатни севишни, ахлоқли бўлишни, одамларга ёрдам кўрсатишни, билим олиш, ҳунар ўрганиш ва бошқа олийжанобликларни уқтирадилар. Масжид ва мадрасаларда талабалар онгида Аллоҳга яқин бўлишнинг тўғри ва самарали йўли: тарки дунёчилик эмас, балки жамият саодати учун яшаш, бунёдкорлик, савоб ишлар ва меҳнатни қадрлаш, илм ва билим олишдир. Мукаммал ахлоққа эришиш, ҳулас, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни тақозо этадиган ҳулқ-атвори, саъй -ҳаракатни ўзида мужассам этадиган мафкура изчил равишда сингдирилди.

Агар болаларга жазо бериш сабабларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, бурчак катик кўйиш ёки ширинликдан маҳрум қилиш жазосини атрофларида шу “шўр сув” ни “шимиш”га олиб келадиган шундай муҳитни яратиб қўйганларини сезмайдиган катталарга бериш керак бўлади. Лекин, уларнинг шусиз ҳам муаммолар кўп, шунинг учун улар ўзларига тинмай: “Мен ўз эҳтиёжларимни бошқараяпманми? Нимани афзал кўриб, нимани кўпроқ қадрлаяпман? ва бу

хатти-харакатим бошқаларга бўлган муносабатларимда қандай акс этипти?” деган саволларни бераверишдан тортинадилар. Ўз ҳиссиётларим бошқариш, уларни (ўз эркинлигини) чеклаш, бошқасини (ва унинг эркинлигини) ҳисобга олиш-тарбиянинг асоси. Шу маънода, ўқув даргоҳини (ўқитувчилар) мутахассислар раҳбарлиги остида машқ қилиб кўриш мумкин бўлган машқ майдончасига ўхшатса бўлади. Тажрибали тарбиячи, энг аввало, ҳар бир талабанинг ўз ҳиссиётларини ҳисобга олиб, уни мақсадга йўналтиради, уларни бошқариш учун шароит яратиб беради. Бу жадвалда шундай кўриниш касб этади:



Ҳиссиётлар бошқарилиши-бу долзарбликни тушуниш, қизиқиш, ҳаракатга ундовчи сабаб-фаоллик, қарор қабул қилиш демак.

Хулоса қилиб айтсак, тарбияни ўз ҳиссиётларини хоҳиш ва истакларини бошқариш жараёни, деб айтсак хато бўлмайди.

Педагогик жараёнда ўз ҳиссиётларини бошқаришни ҳар бир талабага ўргатиш бу мақсадни аниқ мўлжалга йўналтирилганлигини кўрсатади.


Ўқитувчи аудитория билан ўзаро мулоқот-(ўқув жараёнидан алоҳида вақтда эмас) тарбиявий жараён бораётганлигини англай олиши даркор. Қизиқишларини сақлаб қолиш, асослаб бера олиш, фаолликларини қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларда педагогик жараёнда мақсадни юзага келтиради, улар касбий фаолиятда жуда зарур бўлган ўзликларини англаш машқини оладилар.

Ўқув жараёнига қадам қўйган талабалар ўқиш мазмуни қўйилиши керак бўлган ўз ички эҳтиёжлари (ички нормалар) га эга бўладилар, яъни баъзи бир ташқи нарсалар-(информация) ҳозирча уларга бегона бўлган ҳар қандай нарса уларни хушёрликка чорлайди.

Нарса-ҳодисанинг таркибини тизимли равишда кўриш керак, яъни маълум илмий билимни занжирга айлантириш: тизим (элементлар ва алоқаланиш) ёки кичик тизим (элементлар ва алоқалар) ва ҳ.к.


Касбий фаолият мазмунининг асоси бўлиб - малакали талаблар, ўлчовлар, мезон, мақсад, вазифалар хизмат қилади ва улар ўқиш ёрдамида маданиятга эришадилар.


Касбий фаолият мазмунини, унинг қуйидаги қурилма кўринишида кўриш мумкин:



Жадвалдан кўриниб турибдики, ўчовга мазмун ва мезон таъсирини кўрсатиш орқали касбий фаолият амалга ошади ва у касбий маданиятини шакллантиради. Бу шахснинг касб кўникмаларини ўстиришга хизмат қилади.

Кўпинча катталарнинг таълимдаги одатий технологиялари маълумотларни беришгагина йўналтирилган бўлади ва шу сабабли талабаларга ҳар қандай мазмунда бўлиши мумкин бўлган ўз муаммоларини ҳал қилиш усули, услуби ва технологиясини ўзлаштиришга шароит яратилмайди. Бунда мазмун тузилмаси фикрлаш техникасини, уни тақдим этиш усули эса коммуникатив қобилиятларни ривожлантирмайди. Бу касбий фаолият учун салбий ҳолатдир.





Педагогик технологиялардан фойдаланиб, талабанинг шахсий хусусиятларини шакллантирганда, тарбия ва таълимда унумдорлик кам йўқотилиши мумкин. Ўқитувчи “Менинг йўлимдан юр” деган талаб ўрнига “Атрофга қара, ўйла, танла, менинг ёрдамида юрган” деган талабга ўтсагина касбий фаолиятни ташкил этиш мақсадли бўлади. “Тараққиёт ва таълим бирор кишига тайёр ҳолда берилмайди ва тақдим этилмайди. Бунинг учун истаган ҳар бир одам унга ўз фаолияти, ўз кучи ва ўз интилиши орқали эришади” - деган эди **А. Дистервег**.

Педагогик фаолиятда ўқитувчининг фикрлаши (фикрлаш техникаси), сўз билиши (коммуникатив) қобилияти, изланувчан онги ва анланганлиги (рефлексли) ҳаракатида намоён бўлади.

Фикрлаш техникаси қобилиятларни ривожлантириш, изланувчанлик техникасини эгаллашдан келиб чиқади. Ҳар қандай педагогик технология ҳам ўқитувчи, ҳам талабадаги фикрлаш техникасини амалга ошириш жарёнида содир бўлади ва ривожланади. Табиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг функцияси таълим жараёнининг асосини ташкил этади.

Атрофимизга қарайлик: бизни норози қиладиган ҳамма ҳолатлар бир-биримизни тушунмаслик, бир-бирингиз билан келиша олмаслигимиз, ўз фикримизни ўзгалар диққатига етарли даражада асослаб, нуқтайи назаримизни ҳимоя қила олмаслигимиздан келиб чиқади. Донишмандлардан бири “Охирги далил-ўқ” деб бекорга айтмаган. Демак, ўқ отишнинг рақобатдоши кўпроқ, салмоқлироқ далилларни келтириш экан, яъни фикрлаш экан, у албатта натижали бўлади.

Педагогик жараёнда **коммуникация** ва рўй беради-интеллектуал ва ҳиссий мазмунлар алмашади, яъни педагогик муҳитда қайд этилгангидек, тўғри ва тескари алоқа натижали коммуникация содир бўлишини ташкил этиш орқали ўқитувчида юқори малака шаклланади.


Рефлексив қобилиятлар ўқитувчининг касбий ёки шахсий сифатлари намоён қилиш иши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Педагогик ижодкорлик ва маҳорат кўпинча ўқитувчининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Бирор янгилик яратишга, ўз ҳаракатларни, тажрибаларини қайтаришга уриниш, агар шароит ўзгариши, яъни янгилик элементларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, муваффиқиятга эришиш

мумкин. Бунда ўқитувчига **ижодий** қобилиятлар зарур бўлади.


Агар таълим субъекти тўғрисидаги тасаввуримиз бизни ўраб турган олам яхлитлигига мутаносиб равишда: фикр-сўз-ҳаракат (“руҳ”-“сотсио”-“био”) билан ҳамжиҳат бўлса, бизнинг педагогик жараёндаги вазифамиз-шу яхлитликни таъминлаш учун асос бўлади. Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Фикр, сўз, ҳаракат мазмунидан ўрин олган қобилиятлар ўзгариши-табиат инъом этган ҳамма нарсани онгимизда ривожлантириши мумкин.



Унутмайлик, педагогик жараёнда айнан усуллар - талабаларнинг фаолият йўналишини аниқлайди ва белгилайди, ўқитувчининг маҳоратига боглиқ равишда у ёки бу қобилиятни ривожлантириш учун хизмат қилади. Шу сабабдан ўқув юртини фақат илм олиш маскани эмас, балки машқ майдончаси сифатида ҳам кўриб чиқиш лозим бўлади. Чунки у ерда бўлажак касбий фаолият эгалари ўз қобилиятларини малакали мутахассислар раҳбарлигида ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Бунда усул бошқарувчи бўлади.0 0

Қаранг.



Баъзан усул унумдорлиги касбий фаолият унумдорлиги билан алмаштирилади. Айни пайтда, усул танлашда қуйидаги асосий мезонлардан фойдаланилади:

- талабалар қобилиятини ривожлантириш;
- фаолиятнинг касбий воситалар билан мутаносиблигини таъминлаш; рефлексия, коммуникация, фикрлаш техникасининг ижтимоий маданий ўлчовларга мувофиқлаштириш;
- педагогик жараённинг мазмуни ва мақсадланган мутаносибликни таъминлашдан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлашда ижтимоий буюртма олган замонавий олий таълим тизимининг яхлитлиги биринчи даражали бўлган сифат ўзгаришларини ўз бошидан кечирмоқда.

7-МАВЗУ. КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ ШАХСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА КАСБИЙ СИФАТЛАРИ

РЕЖА:

1. Касб таълими ўқитувчиси шахсига қўйиладиган талаблар.
2. Педагогик фаолият самарадорлигига ўқитувчи шахсий сифатларининг таъсири.
3. Педагог шахсининг сифатлари ва классификациялари.

Педагогик профессионал маданият ўқитувчи шахсида маънавий-эстетик туйғуни, дид ва идрокни таркиб топтиришни ривожлантиришда муҳим дидактик аҳамият касб этади. Ана шу тадрижийликни такомиллаштириб бориш маънавий бойликни маданий қиёфа билан уйғунлаштиришнинг ҳал қилувчи асосий шарти бўлиб хизмат қилади.

Таълим ва тарбия жараёни ҳар бир ўқитувчидан катта ақл заковат, сабр-матонат, ўқитувчиларга ва ўз касбига юксак меҳр-муҳаббатли бўлишликни талаб этади. Ўқитувчининг доимо изланувчан, билми ва тажрибасини орттириб боровчан бўлиши, ўқувчиларни чуқур тушуниши, уларнинг ички дунёсини пайқай олиши, ўсиш ва ривожланиш даражаларини назорат қилиб бориш ва зарур пайтда сўз, иш ёхуд амалий ҳаракат билан ёрдам бераолиш қобилияти таълим ва тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминловчи омиллардир.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган бўлиб, ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир. Касб таълими ўқитувчиси шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мутахассисни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаси ўқитувчисига қўйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- жамият ривожалинишининг сиёсий, социал ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;
- муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мутахассисни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;
- педагогик фаолиятни севиши;
- ўз соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлиши;
- заковатли бўлиши;
- педагогик туйғу;
- юксак етуклик;
- умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Педагог шахсига қўйиладиган қўшимча талаблар: киришиб кета олиш, санъаткорлик, қувноқлик, яхши дид ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилганлар педагог шахсига хос бўлган туғма хислатлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан

хизматлари натижасида юзага келтирилади.

Касб таълими ўқитувчиси дарсга тайёрланаётганда ҳар хил метод ва усулларни қўллаб янги материални қандай баён қилишни ўйлайди. У ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг тажрибаси, жисмоний ривожланиши ва меҳнат унумдорлигига таъсир қиладиган бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда объектларни танлайди. Касб таълими ўқитувчиси олдида ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш жамоаларини ташкил қилиш, улар орасида ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйиш масаласи пайдо бўлади. Бундан ташқари, бошқа бошқа ўқув предметларидаги каби касб таълими ўқитувчисида ўқувчиларнинг меҳнат усуллари тўғри бажаришини, олинган билимларни амалда қўллашни назорат қилиш ва уларнинг ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш функциясини саклаб қолади.

Қуйидагилар касб таълими ўқитувчисига хос бўлиши керак:

1) Юқори ғоявийлик. Ўқитувчи ўсиб келаётган авлоднинг тарбиячисидир. У ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаши керак.

2) Юқори техник малака. Масалан, касб таълими жараёнида ўқувчилар ўзлари танлаган мутахассисликка оид билим ва кўникмаларни эгаллайдилар. Шу муносабат билан олий ўқув юртининг талабалари бу мутахассисликларга оид касбий билимлар асосларини эгаллашлари ҳамда кейинги амалий фаолият жараёнида ўз маҳорати даражасини узлуксиз ошира боришлари керак.

3) Юқори психологик-педагогик тайёргарлик. Касб таълими ўқитувчисининг ўзи билим ва малакаларни юксак савияда эгаллабгина қолмай балки ўқувчиларда ҳам маълум малакаларни таркиб топтириш учун уларга билимлар бериши керак. Билим ва малакаларни эгаллаш жараёнининг ўз қонуниятлари бор, мактабдаги таълим шу қонуниятлар асосида ташкил этилади. Касб таълими ўқитувчиси психология, дидактика ва бошқа фанларнинг ўқув жараёнига асос бўладиган муҳим қоидаларини чуқур ўзлаштириб олиши керак.

4) Ўз касбига муҳаббат. Ўқитувчилик касбининг ўзига хос томонларини чуқур билиш, ўз касбий фаолиятида эришган ютуқларидан завқланиши, қийинчиларни енгиб ўтиш учун куч ва имконият топа олиш касб таълими ўқитувчисининг муҳим фазилатлари каторига киради.

Касб таълими ўқитувчиси олий ўқув юртидаги тайёргарлиги ҳар қанча асосли бўлса ҳам, у тугалланган ҳисобланмайди. Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши жуда тез суръатлар билан ривожлақмоқда. Меҳнат қуроллари, технологик жараёнлар узлуксиз такомиллашиб бормоқда. Бу касб таълими жараёнида ўз аксини топмоғи керак. Демак, касб таълими ўқитувчиси фан ва техника соҳасидаги тараққиётни узлуксиз кузатиб бориш, улардан ўқувчиларни тушунарли шаклда хабардор қилиб туриши керак.

Ўқитувчилар касб таълими жараёнида фойдаланиладиган методик воситалар мажмуаси ҳам ўзгармай қолмайди. Ўз ишига ижодий ёндошувчи ўқитувчилар ўқувчиларга таъсир қилишнинг янги шакллари, узлуксиз равишда билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришнинг янги усуллари топадилар. Яхши тажриба умумлаштирилади ва кўпчиликнинг мулки бўлиб қолади. Шунга кўра ҳар бир ўқитувчи илғор педагогик тажриба ёритиладиган

вақтли матбуотни кўзатиб бориши ва ундан ўз ишида фойдаланиши керак.

Шундай қилиб, касб таълими ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш устида, ўз малакаси савиясини ошириш устида ҳар доим ишлаши керак. Унга бу борада ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари анча ёрдам беради. Бу институтларда қисқа муддатли курслар ташкил қилиниб, уларда ўқитувчилар фан ва техника соҳасидаги ютуқлар, илғор педагогик тажрибалар билан танишадилар.

Педагогик фаолият самарадорлигига ўқитувчининг шахсий сифатлари катта таъсир кўрсатади. Педагогик меҳнатнинг ўзига хослиги ўқитувчига бир қатор талаблар қўяди. Бу талаблар педагогика фанида муҳим касбий шахсий сифатлар деб юритилади.

Олимлар томонидан педагогнинг кўплаб шахсий сифатлари ажратилган бўлиб, бугунги кунда улар ичидан педагогик фаолиятнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан энг муҳимларини танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Л.М. Митина томонидан педагогнинг 55 шахсий сифатлари кўрсатилган.

Ўқитувчи бу сифатларини нафақат билиши, балки уларни ўзида мавжудлигини ташхис қила олиши керак.

Ўқитувчи шахсининг касбий муҳим сифатлари педагогнинг ақлий ва ҳиссий-иродавий томонларини акс этиб, касбий-педагогик фаолият натижасига таъсир кўрсатади ва педагогнинг индивидуал услуби белгилайди.

Педагог шахсининг сифатларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: етакчи, иккиламчи, салбий ва касб нуқтаи назаридан бўлиши мумкин бўлмаган сифатлар (1-жадвал).

Етакчи сифатлар шундай сифатларки, уларнинг биронтаси ҳам ўқитувчида бўлмаса, педагогик фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас.

Иккиламчи сифатлар муҳим аҳамиятга эга эмас, лекин касбий фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Салбий сифатлар педагогик фаолият самарадорлигининг сусайишига олиб келади. Касб нуқтаи назаридан бўлиши мумкин бўлмаган сифатлар эса ўқитувчининг касбга лойиқ эмаслигидан далолат беради.

Ўқитувчининг шахсий сифатлари

1-жадвал

Ўқитувчининг муҳим касбий сифатлари		Салбий	Бўлиши мумкин бўлмаган
Етакчи	Иккиламчи		
- ИЖТИМОИЙ фаоллик (жамият муаммоларига қизиқиш)	- меҳр-мурувватлилик	- ўз-ўзини бошқара олмаслик	
-мақсадга йўналганлик	- хазилкашлик	- ўзини катта тутиши	- ахлоқий бузуқлик
- босиқлик	- артистлик	- қасоскор бўлиши	- қўполлик
- ўқувчилар билан ишлаш истаги	-ақиллилик	- паришонкорлик	- таълим ва тарбия масалалари бўйича билими йўқлиги
- экстремал ҳолатларда реакция тезлиги	- ташқи кўринишдан ёқимли бўлиши		- маъсулиятсизлик
- тўғрисиўзлик			
- адолатчилик			
- маъсулятлилик			
- замонавийлик			
- ишга ижодий ёндашув			
- ишончпарварлик			
- темперантлик			
- билимдонлик			

Т.П. Иванова, В.С. Николаева ҳамда В.П. Симоновалар томонидан ўқитувчи шахсига оид касбий муҳим сифатларининг қуйидаги классификациясини ишлаб чиқилган (2-жадвал).

Ўқитувчи шахсининг сифатлари классификацияси

2-жадвал

Индивидуал психологик сифатлари		
Оптимал	Билиши мумкин бўлган	Критик (салбий)
- Кучли, мувозанатли нерв системаси;	- Кучли, мувозанатсиз нерв системаси;	- Кучсиз нерв системаси;
- Сардорликка интилиш;	- Хукумдорлик;	- Ўз-ўзини яхши кўриш;
- Ўз-ўзига ишониш;	- Ўзини катта тутиши;	- Қаттиқ - қўллик;
- Талабчанлик;	- Кечирмаслилик;	- Ўзини бошқара олмаслик;
- Меҳр-мурувватлилик	- Етарли даражада мустақил эмас;	- Шаблонга қараб иш юритиш;
- Ижодийлик	- Айрим ҳолатларда ижодий ечимлар қабул қилиш;	
Ўқитувчининг коммуникатив сифатлари		
Демократик услуб	Авторитар услуб	Либерал услуб
- Муҳим масалалар бўйича конфликтлар бўлиши мумкин	- Конфликтлар йўқ	- Ҳар доим конфликтлар мавжуд
- Уз-ўзига баҳо бериш нормал даражада	- Ўз-ўзига паст баҳо беради	- Ўз-ўзига юқори баҳо беради
- Касбдошлар билан ҳамкорликда ишлашга интилиш	- Касбдошларидан устун бўлишга интилади	- Касбдошлари билан келишиб ишлайди
- Жамoadан яккалашиш ҳолати 0%	- Жамoadан яккалашиш ҳолати 10%	- Жамoadан яккалашиш ҳолати 10% дан юқорироқ
Шахсининг касбий сифатлари		
- Ўқув материални бемалол баён этиш	- Ўз фанини билиши	- Фақат маъруза матни билан ишлаш
- Ўқитувчиларнинг психологик имкониятларини ҳисобга олиш	- Педагогик ва ёш даврлар психологиясини билиши	- Педагогик ва ёш даврлар психологияси бўйича билимлар йўқлиги

- Яхши ташқи кўриниш, мимика ва пантомимикадан тўғри фойдаланиш	- Бир минутда 120 сўздан камроқ гапириш - Стандарт ташқи кўриниш, мимика ва қўл ҳаракатларидан фойдаланмаслик	- Ташқи кўриниши яхши эмас, мимика ва пантомимикадан ҳаддан кўп фойдаланиш
- Ўқувчиларга исмини айтиб мурожат қилиш	- Ўқувчиларга фамилиясини айтиб мурожат қилиш	- Ўқувчиларга исми ва фамилиясини айтмасдан мурожат қилиш
- Вазиятга дарҳол эътибор бериш, топқирлик	- Реакция сустлиги топқирлик	- Топқирликнинг йўқлиги
- Келажак ва конкрет мақсадларга йўналтирилганлик	- Конкрет мақсадлар қўйиш, келажакдаги рекцияларга эътибор бермаслик	- Аниқ мақсадлар йўқлиги
- Ташкилотчилик	- Ишлаш ташкил этиш ўрта даражаси	- Ташкилотчилик қобилияти йўқ

